

Наманган мухандислик қурилиш институти 4 ўқув биносида  
жорий таъмирлаш ишлари бажариш бўйича  
№ 3 - сонли пудрат

ШАРТНОМАСИ

«28» 11 2022 йил

Наманган шаҳар

Наманган мухандислик қурилиш институти номидан низом асосида иш юритувчи ректор Ш.Эргашев бир томондан (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) ва «Fasad Fayz Servis» МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи раҳбар Н.Мирзахмедов иккинчи томондан (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**I.Шартнома мавзуси**

1.Пудратчи мазкур шартнома бўйича «Буюртмачи» тасарруфидаги Наманган мухандислик қурилиш институти Наманган шаҳри, Янги Наманган тумани ҳудудида жойлашган 4-ўқув биносида жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ объектларни жорий таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II.Умумий шартлар**

1.Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан узаро тасдиқланган (Ф-2, Ф-3) асосида ҳисобга олинади ҳамда тулов учун тақдим этилади.

2.Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

3.Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 30 кунигача Пудратчи томонидан Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

4.Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тўғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

**III.Пудратчининг мажбуриятлари**

1.Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

2.Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиши:

3.Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.

4.Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

6. Таъмирлаш давомида лойҳа смета ҳужжатларида ҳисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тўла муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета кийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тўғрида буюртмачига ёзма равишда хабар беради

**IV.Буюртмачининг мажбуриятлари**

1.Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш

2.Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

3.Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.



## V. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар

1. Шартноманинг тузилаётган вақтда тижорат таклифидаги умумий суммаси **736 167 573 (етти юз ўттиз олти миллион бир юз олтимиш етти минг беш юз етмиш уч)** сўм этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов, тендер савдолари натижасида аниқланган қатъий сумма ҳисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш ҳақи тўловларининг ошишига боғлиқ равишда ўзгармайди.

2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сўнг **30** фоиз миқдорида аванс ўтказди, бу эса **220 850 272 (икки юз йигирма миллион саккиз юз эллик минг икки юз етмиш икки)** сум тийин сўмни ташкил қилади. Қолган тўловлар **70** фоизи **515 317 301 (беш юз ўн беш миллион уч юз ўн етти минг уч юз бир)** сўм Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 30 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3. Ҳисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини белгиланган кунга қадар тўлиқ бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишлари муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

## VI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1. Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодиёт суди томонидан кўриб чиқилади.

## VIII. Енгиб-бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай тулик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган. Шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса у ҳолда пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.



### IX.Шартномани бекор қилиш

1.Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда

2.Пудратчи томонидан Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда

3.Объектдаги таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб қуйилганда,

4.Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб қуйилганда, конун ҳужжатларига мувофиқ бошка асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга .

5.Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6.Шартноманинг бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида тутилган холлар бундан мустасно..

### X.Алохида шартлар

1.Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари ўз кучини йукотади: -

2.Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайди.

3.Мазкур шартномага барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

4.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун нормалари қўлланилади.

5.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. « Буюртмачи » ҳамда « Пудратчи » томонидан тасдиқлангандан сўнг юридик кучга қиради ва Газначилик булинмасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга қиради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

### Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

#### «Пудратчи»

“Fasad Fayz Servis” МЧЖ

(товар, хизмат курсатувчи номи)

Манзил: Наманган вилояти.Наманган ш.  
Богдод куча 2-уй.

Тел./факс: 90- 214 -41-72, 94-179-95-90

х/р : 2020 8000 7048 0741 2001

Банк : «Капиталбанк» АТБ Наманган  
минтакавий филиали

МФО: 01085

СТИР :301 353 010

#### «Буюртмачи»

Наманган муҳандислик қурилиш  
институтини

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Наманганская вилояти, Наманган,  
Наманган ш И.Каримов 12-уй

Тел./факс: 69-234-41-48

ш/х:400910860144017094100079005

Бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 200055757

ОКОНХ: 92110

Газначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон  
Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги  
Газна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: ХККМ МБ Бош бошқармаси

Тошкент шаҳри

МФО: 00014 СТИР: 201122919



“Fasad Fayz Servis” МЧЖ  
раҳбари:

Н.Мирзахмедов



ректор

Ш.Эргашев

Хуқуқшунос:

*Handwritten signature of N. Mirzaxmedov*

*Handwritten signature of Sh. Ergashev*

*Handwritten signature of the legal expert*



## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“28” ноябр 2022 йил

Наманган.ш

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган муҳандислик-қурилиш институти томонидан 2022 йил “24” ноябрдаги 22110012192393 сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб, энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган шаҳри, Янги Наманган тумани ҳудудида жойлашган Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг 4 ўқув биносида жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 60 ва 61- моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “Фасад файз сервис” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан, у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин деб белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**НамМҚИ ректори:**

**НамМҚИ бош**

**ҳисобчиси:**



**Ш.Эргашев**



**Э.Юлдашов**

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 192393 на приобретение Наманган шахар Янги Наманган тумани худудида жойлашган Наманган мухандислик-курулиш институтининг 4 ўқув биносини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 24.11.2022

Время рассмотрения 24.11.2022 16:31

Закупочная комиссия Наманган Мухандислик-Курилиш институти, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	KARAYEV PAYZILLAXON YUSUFXONOVICH	Moliya-iqtisod ishlari bo'yicha prorektor	Namangan muhandislik-qurilish institut
<b>Секретарь комиссии</b>	AZIZOV BEKZOD ABDULVOXIDOVICH	Bosh xisobchi o'rinbosari	Namangan muhandislik-qurilish institut
<b>Член комиссии</b>	XOLMIRZAYEV BAXROMJON XAMIDULLAYEVICH	Bosh muxandis	Namangan muhandislik-qurilish institut
<b>Член комиссии</b>	ABDULLAYEV XAYRULLO NURILLAYEVICH	Bosh energetik	Namangan muhandislik-qurilish institut
<b>Член комиссии</b>	ZARIFOV SODIK SOBITXANOVICH	Xo'jalik bo'limi boshlig'i	Namangan muhandislik-qurilish institut
<b>Член комиссии</b>	YULDASHOV ELMUROD ABDUJALIL O'G'LI	Bosh xisobchi	Namangan muhandislik-qurilish institut

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 24.11.2022 года № лота 192393.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Наманган шахар Янги Наманган тумани худудида жойлашган Наманган мухандислик-курулиш институтининг 4 ўқув биносини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	774 913 237.00
Стартовая сумма	774 913 237.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчи малакали ходимлар руйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Ходимлар руйхати Паспорт нусхалари Диплом нусхалари Ишга қабул қилиш буйруғи

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ФАСАД ФАЙЗ СЕРВИС МЧЖ</b>	15	Ходимлар руйхати Паспорт нусхалари	14	Экспертная		
<b>ООО NAMANGAN MUSTAXKAM QURILISH</b>	15	Ходимлар руйхати Паспорт нусхалари	14	Экспертная		
<b>MAXSUS KOTYOL MONTAJ QURILISH</b>	15	Ходимлар руйхати Паспорт нусхалари Диплом нусхалари	6	Экспертная		

Критерий №2 Иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги йиллардаги иш тажрибаси, тузилган шартномалар нусхалари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ФАСАД ФАЙЗ СЕРВИС МЧЖ</b>	15	Охирги йиллардаги иш тажрибаси, тузилган шартномалар нусхалари	15	Экспертная		
<b>ООО NAMANGAN MUSTAXKAM QURILISH</b>	15	Охирги йиллардаги иш тажрибаси, тузилган шартномалар нусхалари	14	Экспертная		
<b>MAXSUS KOTYOL MONTAJ QURILISH</b>	15	Охирги йиллардаги иш тажрибаси, тузилган шартномалар нусхалари	14	Экспертная		

Критерий №3 Умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи гувоҳнома низом ва бошқа таъсис ҳужжатлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ФАСАД ФАЙЗ СЕРВИС МЧЖ</b>	15	Иштирокчи гувоҳнома низом ва бошқа таъсис ҳужжатлари	15	Экспертная		
<b>ООО NAMANGAN MUSTAXKAM QURILISH</b>	15	Иштирокчи гувоҳнома низом ва бошқа таъсис	14	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		хужжатлари				
<b>MAXSUS KOTYOL MONTAJ QURILISH</b>	15	Иштирокчи гувоҳнома низом ва бошқа таъсис хужжатлари	15	Экспертная		

Критерий №4 Иштирокчи молиявий ҳолати

Тип: Текстовое значение

Описание: 3 йиллик молиявий баланс ва натижаси ДТ-КТ ҳолати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ФАСАД ФАЙЗ СЕРВИС МЧЖ</b>	15	3 йиллик молиявий баланс ва натижаси	14	Экспертная		
<b>ООО NAMANGAN MUSTAХKAM QURILISH</b>	15	3 йиллик молиявий баланс ва натижаси	9	Экспертная		
<b>MAXSUS KOTYOL MONTAJ QURILISH</b>	15	3 йиллик молиявий баланс ва натижаси	15	Экспертная		

Критерий №5 Иштирокчи асосий воситалар руйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлари руйхати, тех.паспорт нусхалари, агар ижарада бўлса ижара шартномалари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ФАСАД ФАЙЗ СЕРВИС МЧЖ</b>	15	Машина ва механизмлари руйхати	14	Экспертная		
<b>ООО NAMANGAN MUSTAХKAM QURILISH</b>	15	Машина ва механизмлари руйхати	14	Экспертная		
<b>MAXSUS KOTYOL MONTAJ QURILISH</b>	15	Машина ва механизмлари руйхати, тех.паспорт нусхалари	14	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом	Применение преференции	Общее значение	Дата предложения	Оценка стоимости
------------------------	-----------------	--------------------	----------------	------------------------	----------------	------------------	------------------

			конвертации (UZS)		(UZS)		(балл)
<b>ООО NAMANGAN MUSTAXKAM QURILISH</b>	774 913 237.00	770 550 000.00 UZS	770 550 000.00	00.00	770 550 000.00	23.11.2022 19:01:07	14.33069
<b>ФАСАД ФАЙЗ СЕРВИС МЧЖ</b>	774 913 237.00	736 167 573.00 UZS	736 167 573.00	00.00	736 167 573.00	21.11.2022 18:44:08	15
<b>MAXSUS KOTYOL MONTAJ QURILISH</b>	774 913 237.00	774 000 000.00 UZS	774 000 000.00	00.00	774 000 000.00	24.11.2022 09:28:27	14.26681

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ООО NAMANGAN MUSTAXKAM QURILISH</b>	73.66695	14.33069	87.99764
<b>ФАСАД ФАЙЗ СЕРВИС МЧЖ</b>	81.6	15	96.6
<b>MAXSUS KOTYOL MONTAJ QURILISH</b>	72.53305	14.26681	86.79986

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 192393 от 24.11.2022 года на приобретение Наманган шахар Янги Наманган тумани худудида жойлашган Наманган мухандислик-қурилиш институтининг 4 ўқув биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

ФАСАД ФАЙЗ СЕРВИС МЧЖ  
301353010

и резервный исполнитель: ООО NAMANGAN MUSTAXKAM QURILISH (306586460)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	KARAYEV PAYZILLAXON YUSUFXONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XOLMIRZAYEV BAXROMJON XAMIDULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABDULLAYEV XAYRULLO NURILLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ZARIFOV SODIK SOBITXANOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	YULDASHOV ELMUROD ABDUJALIL O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП